

ТАНҚИДЧИ НОРБОЙ ХУДОЙБЕРГАНОВНИНГ ТАҲЛИЛ УСЛУБИ

Эшпулатова Саодат Махматовна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
академик лицейи ўқитувчиси
E-mail: Saodat69eshpulatova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мунаққиднинг маҳорати, ижоддаги муросасизлиги, танқидчилик, мунаққид ва ижодкорнинг ижодидаги мақсад, уйғунлик ҳақида гап боради. Бундан ташқари, бадиий асарда характер яратиш маҳоратини очиб беради. У таҳлил қилган асарларининг қисқача мазмуни ва ёзувчи маҳорати ҳақида мунаққид фикрлари тасвирланган.

Калит сўзлар: ғоявий салмоқ, тамойил, мезон, тадқиқ, талант, кашфиёт, маҳорат, таҳлил

ANALYSIS METHOD OF CRITIC NORBOY KHUDAYBERGANOV

Eshpulatova Saodat Makhmatovna

Tashkent state named after Alisher Navoi
University of Uzbek Language and Literature
academic lyceum teacher
E-mail: Saodat69eshpulatova@gmail.com

ABSTRACT

This article is about the skills of the critic, the intransigence in creativity, criticism, the goal and harmony in the creativity of the critic and the creator. In addition, it reveals the skills of creating a character in a work of art. A summary of the works he analyzed and critical opinions about the writing skills are described.

Key words: idea, principle, criterion, research, talent, discovery, skill, analysis

Адабий жараён ҳар бир ижодкор учун ўта мураккаб воқелик ҳисобланади. Мунаққид ушбу жараёнга ўз билими, савияси, талабчанлиги ва, албатта, адолати билан кириб келди. Норбой Худойберганов – курашchan мунаққид. У қолипланган фикрдан қочишига, адолатли ва мураккаб йўлдан, меҳнатдан қочмасликка ва ўз устида ишлашга чорлайди. Унинг ягона мақсади – миллий сўз

санъатимиз, унинг назму наср, адабий танқид ривожи учун, ўз она тилининг ривожи учун муросасиз курашиш эди.

Бирор маҳсулот реклама қилинаётганда, одатда, харидорлар дикқатини тортиш учун унинг фақат яхши хусусиятлари, сифатлари, фойдалари, афзалликлари бироз бўртирилади. Бу ҳолат бадиий адабиётда ҳам, танқидчиликда ҳам учрайди. Фарқи шуки, маҳсулотнинг камчилиги, зарари, фойдасиз томонлари айтилмайди, акс ҳолда у маҳсулот сотилмай қолади. Лекин адабий танқидчиликда мунаққид асарнинг фазилатлари, қаҳрамонларнинг ҳаётда тутган ўрни, асарнинг тарбиявий аҳамияти, танланган мавзунинг ҳаётийлиги ва бошқалар ҳақида тўлиб-тошиб мақташади ва бу асарнинг камчиликларига ҳам тўхталиб ўтилади. Шундай бўлса-да, бу асарнинг “нархи” тушмайди. Асосан, бадиий асарлар шу тахлитда таҳлил ва танқид қилинади. Шунинг учун бўлса керак, танқидчиликка оид адабиётлар ўз ўқувчисини топиши бироз мушкулроқ.

“В.Белинский, Н.Добролюбов, Н.Чернишевский мақолалари туфайли эса рус адабий танқидчилиги кенг жамоатчилик ўртасида юксак эътибор қозонгани неча замондан бери эътироф этилади. Уларнинг мақолалари адабиёт тарихига, ижодкорлар маҳоратига холис баҳо берилиши, мақтовлар ҳам, эътиrozлар ҳам чуқур таҳлилга асосланиши билан ҳозир ҳам дикқатни жалб этади. В.Белинскийнинг аксарият мақолалари савол қўйишдан бошланади. Масалан у, “Адабий орзулар” мақоласида: “Бизнинг адабиётимиз қандоқ? У жамият ифодасими ёки ҳалқ руҳининг ифодасими?” деган саволга жавоб излайди. Шоир, адибларнинг асарларини шу нуқтаи назардан таҳлил қилиш табиийки, ижодкорлар доирасида ҳам, омма орасида ҳам кенг қизиқиши уйғотади. Матёкуб Кўшжонов, Озод Шарафиддинов каби мунаққидларнинг мақолаларида ҳам савол муайян даражада шу тарзда қўйилган. Шу боис улар жамоатчилик эътиборини тортган. Норбой Худойберганов – уларнинг шогирди. У ўтган аср 70-80-йилларида ҳозиржавоб мунаққид сифатида ўзини намоён қилди. 70-90-йилларда газета - журналлар билан танишиб борган кишиларнинг сўз санъати тўғрисидаги тушунча, тасаввuri шакланишига адабий танқидчилик, шубҳасиз, самарали таъсир кўрсатган. Ана шундай ажойиб миссияни бажарганларнинг пешқадамлари сафида турган Норбой Худойберганов асарларга ҳамиша “Хўш, ушбу асар бизнинг онгу тафаккуримизга нима беради? Айни шеър, ҳикоя, достон билмаганимизни билдириб, сезмаганимизни сездирадими?” деган савол қўйиб ёндашади. У асарлар тўғрисида мулоҳаза юритар экан, “Хўш, шундай бўлиш мумкинми?”, “Қаранг-а”, “Дикқат қилинг”, “Эътибор қилинг”, “Очиғини айтиш керакки”, “Аввало шуки”, “Негаки”, “Афсуски”, “Яна шуниси борки”, “Эътибор этиш керакки”, “Ўзингиз ўйлаб кўринг”, “Хўш, қандай экан...”,

“Кўряпсизки”, “Борди-ю”, “Табиийки” каби таъкидларни кўп қўллади. Унинг бундай нуқтаи назардан қараши, табиийки, ҳаммага ҳам бирдай ёқавермайди. Чунки, асарларга айни тарзда қаралса, уларнинг камчиликлари, бадиий ночор жиҳатлари яққол кўриниб қолади”.¹²⁶

Н.Худойберганов мақолаларидан бирида: “Майли, шундай бўлсин, дейлик, бироқ мен ўқувчи сифатида қаҳрамоннинг ҳолдан тойиб, асаби қақшаганини ҳис қилолмадим, сезолмадим, кўз ўнгимда тасаввур этолмадим. Негаки, қаҳрамон ҳолати, хатти-ҳаракатларининг таъсири йўқ, у чарчади, унинг асаби қақшади, деган гап айтилган, холос. Бу гап эса тасвирнинг ўрнини босмайди, қаҳрамон ҳолатини хаётнинг ўзидағидек гавдалантирумайди” дейди. Унинг мақолалари “манзара”сини айни хилдаги ранг ва чизгилар белгилайди. Лекин мунаққид шунчаки эътиroz билдириш, рад этиш билан чекланмаган, балки уларни “Ўзингиз ўйлаб кўринг” дея ўзига хос услугда асослашга интилган. Ўтган давр Норбой Худойберганов рост сўзни айтганини, у ҳақ эканини кўрсатди. Яъни у эътиroz билдирган аксарият асарлар аллақачон унут бўлиб кетди.

Норбой Худойберганов асарларни майда бўлакларга ажратиб ҳижжалаб таҳлил қилмайди. У асарларнинг битта ўрнини танлаб олади-да, шу асосда умумий хулоса чиқаради... У ночор асарлар йўлини тўсишга шошади, ўқувчиларни бадиий баркамол асарларни мутолаа қилишга даъват қиласди. Илк китобини « Эҳтирос тўлқинлари » деб атагани, бошқаларини “Сўз курашга чорлади”, “Сени ўйлайман, замондош”, “Ўз дунёси, ўз қиёфаси”, “Хақиқат ёғдулари” деб номлагани ҳам шундан далолат беради... “ Маълумки, ҳақиқий истеъодод кам учрайди ва у ҳам доимо баракали мева беравермайди, кашфиётлар яратавермайди ” дейди у ва ўзи эъзозлайдиган атоқли адаб, шоирлар асарларидаги камчиликларни дангал айтаверган.¹²⁷

Улуғ рус адаби А. Чеховнинг қаҳрамонларидан бири “Мен оддий сўзлар душманим бўлгани учун фақат илмий тилда гапираман”, дейди. Бундайлар адабиётшунослар орасида ҳам анча учрайди. Уларнинг ёзганлари ширасиз, ҳароратсиз, қуруқ бўлганидан, ҳар қанча уринганда ҳам, кўнгилга “жиз” этиб тегадиган жумла чиқмайди. Қизиги шундаки, бирорларнинг тутуриқсиз фикрларини “чайнаб” юрадиган бундайлар ўзини ёрқин фикрли “даҳо” деб билади... Норбой Худойберганов бундайларни “ланж ва зерикарли одамлар” деб атайди. “Улар пуч, бамисоли совун кўпиги! Эътибор қилган бўлсанг, уларнинг

¹²⁶ А.Улуғов. Муросасиз мунаққид. /Худойберганов Н. Бадиий таҳлил сеҳри./Тошкент– 2008. 123-124-бетлар

¹²⁷ А.Улуғов. Муросасиз мунаққид. /Худойберганов Н. Бадиий таҳлил сеҳри./Тошкент– 2008. 124-125-бетлар

киёфаси, кўриниши ёқ кишида дарҳол нохуш таассурот уйғотади. Чунки улар саёз фикр юритади, саёз ҳис қиласи” дейди...

Мунаққид Норбай Худойберганов адабий танқидчилик нимага асосланишидан бехабар, бепарво қарайдиганлар кўплигидан куйинади.

Мунаққид ижодининг хусусиятларидан яна бири таҳлил жараёнида халқ оғзаки ижодига мурожаат қилишидир. Унинг “Дилу тил сехри” даб номланган китобчасида халқ мақолларидан самарали фойдаланади ва уни фикрларига сингдириб юборади. “Албатта, хоҳиш, истак, орзу, ният ёмон, салбий ҳодиса деб ҳеч ким айта олмайди, бироқ яхши ният – ёрти мол, дейди халқимиз. Аммо авлод-аждодларимизга бу нақлнинг моҳиятини идрок этишга имкон берилмади... Башарти, ёрти мол бутун бўлмаса, кимларга, нималарга наф келтириб, ўсиш-унишга у қандай фойда келтириши мумкин? Ахир, ёрти мол билан кун кечириш, яшашдан кўнгил тўлмайди-ку!”¹²⁸

“Дил-у тил сехри” китобида мунаққиднинг “Жумбоқлар гирдобида” мақоласи “Ўз-ўзимни тафтиш” туркумидан олинган, деб берилган. Унда мунаққид ўз илмий фаолиятининг бошланиши, устозлари ҳақида гапириб ўтади ва шу ўринда ҳам кетма-кет мақоллар киритади. ”...Шу билан бирга номи, унвони, даражасига мувофиқ фан докторларига рўбарў келдим-да, бир оддий ҳақиқатни бутун вужудим билан ҳис қилдим. Халқимиздаги “қари билганни пари билмас, пари билганни қари билмас” деган нақл бежиз туғилмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

“Шаклан асару, мазмунан-чи?” мақоласида ҳам мақоллардан фойдаланган ҳолда жамиятдаги камчиликларни кескин танқид қиласи ва шу камчиликларни қилишда ўзининг ҳам иштироки борлигини инкор этмайди: “Осий банда кимларгadir нигоҳ ташласа, шубҳасиз, уларнинг кўзи, юзи, гавдаси, қаддиқоматини, қисқаси, суратини кўришга қодир, лекин сийрати, яъни ички мазмуни, руҳий дунёсини кўриши ҳам, англаб олиши ҳам амри маҳол. Дарвоқе, мол оласи сиртида, одам оласи ичида, деган нақл ҳам бежиз тўқилмаган.

Табиийки, бу нақлни эътироф қилмайдиганлар, рад этадиганлар топилмайди.

Айни чоғда хом сут эмган банда бўлганимиз учунми ёки бошқа бир сабабданми, ҳар биримиз ўзимизни доноларнинг доноси, деб ҳисоблаймиз... Фақат ёзишни биладиган, бироқ қалбимизни тўлқинлантириб, онгу тафаккуримизни ларзага соладиган, бойитадиган, ўзгартирадиган даражада таъсир қиласидиган асарлар яратишга қодир бўлмаган ҳамда моддий жиҳатдан яхши таъминланган қаламкашлар устунлик қиляпти. Устига - устак уларнинг

¹²⁸ Худойберганов Норбай. Дилу тил сехри. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 2002, 4-бет

сурати бор, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ асарлари сўз санъатининг нодир намуналари тарзида кўкларга кўтарилимоқда”.¹²⁹

Мунаққид қўллаган шу ва бошқа мақоллар асар таҳлилиниң бадиийлигини оширган. Шунчаки оддий сўзлар билан эмас, халқ оғзаки ижоди билан фикрлар бойлиги таъминланган.

Норбай Худойбергановга хос яна бир услуб, таҳлил қилаётган асарининг номини келтирмайди, қаҳрамонлар ҳақида тавсифлар келтирилади, мунаққид ўз фикрини билдиради, эътирози бўлса, эътиrozини айтади ва адабнинг ютуғиу камчиликлари ҳақида айтиб ўтгандан сўнг асар номига навбат келади. Иброҳим Раҳимнинг “Генерал Равшанов” романидаги бош қаҳрамон ҳақида узундан узоқ тавсифлар келтиради. Ёки Ҳамид Ғуломнинг “Қорадарё” романидаги Узоқов образига худди шундай тавсифлар бериб, кейин иккала асар номи ва қаҳрамонлари ўртасидаги фарқ ва ўхшашлик томонлари изоҳланади.

“Қизиқ, одамларга меҳрибон раҳбар биринчи галда бир мажлисни иккинчи мажлисга улаш тўғрисида бош қотирадими?! Бу гапнинг тагига етиб улгурмасингиздан яна бир муаммога дуч келасиз; “Узоқовнинг яна бир одати бор: бюро мажлиси ёки бирор йиғилиш тугагач, албатта ёлғиз қолиб, кўрилган масалалар бўйича обдон ўйлади, мабодо биронта нуқсон топса, дарҳол маслаҳатлашиш учун ёрдамчиси Камоловни қидириб қолади”...

“Саволга жавоб излай бошлаймиз: “Равшанов эгарда тоғдай бўлиб ўтирарди... Равшанов отдан тушиб, уни нон- туз кўтариб қутган аҳолига эгилиб салом берди”... Уни ёзувчи талантли қўмондон, тадбиркор жангчи, мард, ҳалол, ақлли инсон, деб мақтайверади, аммо қаҳрамон истеъоди, тадбиркорлиги юракларни тўлқинлантирувчи манзараларда чизилмайди.

Иброҳим Раҳимнинг “Генерал Равшанов” романидаги бош қаҳрамон мана шундай нодир ва ноёб инсон, олижаноб, баҳодир командир сифатида таърифланади. У ўз касби, ҳаётда тутган ўрни, хунарига кўра юқорида тилга олинган Ҳамид Ғуломнинг “Қорадарё” романидаги Узоқовдан фарқланиши лозим. Маълум даражада шундай бўлиб чиқади.¹³⁰

Мунаққиднинг асарлардаги образларни бир-бирига қиёслаб таҳлил қилиш методи ижодининг етакчи хусусиятларидан бири ҳисобланади. Буни юқорида Ўлмас Умарбековнинг “Курорт” пьесасидаги Қўзибой Рўзибоев образининг баъзи жиҳатлари билан Расул Нуриддиновга ўхшаб кетиши ёки генерал Равшанов образи билан Ҳамид Ғуломнинг “Қорадарё” романидаги Узоқов образларни бир-бирига қиёсан таҳлилида кўришимиз мумкин.

¹²⁹ Худойберганов Норбай. Дилу тил сехри. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 2002, 61-62-бетлар

¹³⁰ Худойберганов Норбай. “Ишонч”. Адабий-танқидий мулоҳазалар, баҳслар, кузатишлар, қайдлар. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 214-215-бетлар

Лекин ҳаётда ҳамма нарса ҳам ҳар доимгидай тўғри бўлавермайди, бир текисда силлиқ кетавермайди. Норбой Худойберганов ижодида ҳам бу нарса кўринади. Унинг асарлар ҳақида берган таҳлиллари баъзи ўринда ҳак бўлса, баъзи ўринда сал ошириб юборилган. Бундай аёвсиз мулоҳазалар фақат бадиий ижодга хос бўлган асарларда эмас, балки ўзи билан замондош бўлган танқидчиларнинг фикрларига нисбатан ҳам кўринади.

“...Жумладан, тажрибали адиб, ҳассос шоирларимиздан бири Асқад Мухтор Абдулла Ориповнинг “Куз хаёллари”, “Жаннат”, “Муҳаббат”, “Тилла балиқча” каби шеърларини кескин танқид қиласди... эътиборимизни қўйидагиларга жалб этади: “Лекин унда (яъни шоир ижодида – Н.Х) гоҳо замон нишоналари етишмайди, баъзида у (гап лирик қаҳрамон ҳақида кетяптими ёки шоирнинг ўзи тўғрисидами - буни аниқлаш амри маҳол – Н.Х) мажнунсифат, кўпинча ҳазин: қалбида инсоний завқ, порлоқ умид, ҳаётбахш қувноқлик барқ урмайди... ёш шоирнинг китобида катта ёрқин фикр ва туйғулар ўрнига баъзан пастқам, ножӯя фикрлар юзага чиқиб қолади.”(Асқад Мухтор. Ёш дўстларимга. “Ёш гвардия” нашриёти, 1971 йил. 128, 132-бетлар).

Қани ўша “пастқам, ножӯя фикрлар?” “мажнунсифат, ҳазин” лирик қаҳрамонлар-чи?

Асқад Мухтор бу саволларга конкрет, исботли жавоб қайтармайди. У касалликнинг ўзи нимадан иборат эканлигини аниқламасдан шоир бедаво дардга чалинган, деб эълон қиласди”¹³¹.

Норбой Худойбергановнинг бошқа мунаққидлардан фарқли томони шуки, асарни таҳлил қилаётганда ўша асар муаллифига тўғридан тўғри савол қўяди, агар асар таҳлил қилинган бўлсаю, лекин мужмал жумлалар кетган бўлса, ана шу жумлага изоҳ талаб қиласди. Лекин бу талаблар, кескин саволларни ҳам тўғри қабул қиласвермайди.

Норбой Худойберганов таҳлиларининг муросасизлигини, унинг ўта талабчанлигини қоралаб “Шарқ юлдози” журналининг 1987 йил 11-сонида адабиётшунос олимлар Ортиқбай Абдуллаев ҳамда Усмон Қосимовлар “Қаҳр эмас, меҳр керак” деган мақола эълон қилишди. Мақоладан баъзи ўринларни келтириб ўтаман: “...Атоқли олим О.Шарафиддинов ҳам “Баъзи зарур мулоҳазалар” мақоласида Н. Худойбергановнинг чиқишиларида тез-тез учраб турадиган пала- partişlik, аввал бир фикрни айтиб, ўша мақоланинг ўзида мазкур фикрни рад этувчи бошқа гапларни ёзиш нуқсони борлигини, кўпинча танқидчининг вазифасини нукул фош этишдан иборат деб ҳисоблашини мисоллар билан исботлаб берган. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, асарда

¹³¹ Худойберганов Н. Гражданлик моҳияти.“Шарқ юлдози” журнали, 1984 йил 4-сон, 183-бет

мавжуд фазилатлардан қувона билиш ҳам танқидчиликнинг вазифасига киради. Бўш асарни улуғлаш – мадхиябозлик. Аммо яхши асарнинг ютугини айтишнинг мадхиябозликка алоқаси йўқ.

О.Шарафиддинов ўз мақоласида бундай дейди: Энди икки оғиз сўз Н.Худойберганов мақолаларида тез-тез учраб турадиган “кашф қилиш” ҳамда “фош этиш” хусусида. Баъзи танқидчилар “кашф этиш” талабини бошқаларга юклашади, шекилли, танқиднинг моҳиятини “фош қилиш”дан иборат деб ўйлашади. Бундай танқиднинг на адабиётга, на китобхонга кераги бор”.¹³²

Мақола муаллифлари мунаққиднинг баъзи мақолаларидаги такрорларни ҳам келтириб ўтади.

“Олим бир хил босмақолип фикрлар, тайёр ҳукм-хулосаларни мақоладан мақолага кўчириб юришдан “эринмайди”. Ўқувчилардан аввал узр сўраб, муаллиф “услуби”нинг “ўзига хослиги”ни яққол намойиш қиласиган бир неча кўчирма келтирамиз: “Айниқса, шаклан ҳам, мазмунан ҳам бадий асарга ўхшаб кетадиган, аммо аслида ўқувчилар қалбини “жизиллатиб” уларнинг маънавий баркамоллигини оширишга, тафаккурини бойитишга хизмат қилмайдиган қўп сонли нотавон шеърларга қарши кураш вазифаси диққат марказига чиқарилмоғи лозим. бироқ бундай шеърлар халқимизнинг маънавий қудратини оширмайди, ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини таъминламайди, онги, тафаккурини чархламайди, эстетик завқ-шавқ бағищламайди” (“Маъно қудрати”, “Шарқ юлдузи”, 1977, №4, 221-222-бет)

“...кўпчилик ўқувчилар ҳар бир шеър ёки ҳикоя, қисса ёхуд романдан битмас-туганмас завқ-шавқ, маънавий мадад, ғоявий-бадий сабоқ олиб, ўзининг онгу тафаккурини бойитишга, ижтимоий-маънавий тараққиётнинг фоятда мухим, долзарб муаммоларини ҳал қилишга интилади... Зотан тажрибали адибларгина эмас, балки ёш ёзувчиларимиз ҳам ижодий фаоллик билан қалам тебратиб, ижтимоий-маънавий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатадиган даражага муттасил кўтарилиб бормоқдалар”¹³³.

Мақола муаллифлари мақолалардаги такрорларни куюнчаклик билан таҳлил қилиб берар экан, бундай ҳолат мунаққиднинг китобларида ҳам учрашини эътироф этади.

Бу фикрлар қанчалик ҳақиқат, қанчалик аччиқ бўлмасин, Норбой Худойберганов ўз даврида адабиёт жонкуяри сифатида ижод қилди, асарларга ўз

¹³² “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1983, 11 -февраль

¹³³ Норбой Худойберганов. “Қаҳрамоннинг маънавий олами”, “Шарқ юлдузи”, 1982, №11, 199-бет).

сўзи билан, ўз фикри билан баҳо берди. Ҳақиқатни кимдир тўғри қабул қилди, кимдир ҳазм қилолмади.

“Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деган гаплар бор. Бунга энг кўп даражада амал қилган танқидчи шу Норбой Худойберганов бўлади. Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда қизғин мунозаралар тез-тез бўлиб турадиган олтмишинчи- етмишинчи йилларда ўзи тенги Умарали Норматов, Баҳодир Ғуломов, Иброҳим Ғафуров, Ҳофиз Абдусаматовларни қўя туринг, ҳатто устоз мақомидаги Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжоновлар билан ҳам баҳсга киришиш, ўз нуқтаи назарини илгари суриш, турфа фикрлиликка мойиллик унинг адабий танқидчи сифатидаги етакчи хусусиятларидан бирига айланди.

Тўғри сўз туққанингга ёқмайди, дейишади. Албатта, унинг ўзбек адабиётида яратилган янги роману қисса, шеъру достонлар ҳақидаги тўғри, бироқ аччик мулоҳазаларини машҳуру номашхур адибу шоирлар, ҳамкасб-мунаққидларнинг ҳазм қилиши қийин кечганлигини тушуниш мумкин. Бироқ у ҳамиша бош ҳарфлар билан ёзиладиган адабиёт манфаатларини кўзлаб иш кўришга интилди.

Норбой Худойберганов собиқ шўролар даврида Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Пиримқул Қодиров, Тўлепберген Қайипбергенов, Шукурлло, Шукур Холмирзаев, Рауф Парфи, Омон Матжоннинг ҳукмрон мафкура мезонларига тўғри келмаган асарларини бутун вужуди билан қўллаб-қувватлади, ҳали компартиянинг зуғуми, қиличи қайрилиб турган қалтис саксонинчи йиллар ўрталарида Чўлпону Фитратлар ижоди нега ҳалқа қайтарилмайди, деб бонг урди, очиқ-ошкора,adolатли қарашлари ўзимизда “ўтказиш”нинг имкони бўлмаса, адабиётимиз шаънини ҳақиқий ижодни ҳимоя қиласиган, юзакилик, схематизм, ҳаётни бўяб-бежаб кўрсатишга қарши қаратилган ўткир муаммоли мақолаларни собиқ марказдаги газета журнallарда муттасил чиқариб турди ва бу билан адабий жараёнга баимкон таъсир кўрсатди.

Дарвоқе, ҳар бир асарга, унинг муаллифи Ойбек, Абдулла Қаххор ёки бошловчи ёзувчи бўладими, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириш нуқтаи назаридан ёндашиш, мана шу юксак мезондан туриб таҳлил қилиш, баҳо бериш, адабиётдаги ўрнини белгилаш танқидчи ижодий кредосининг ўзагини ташкил этади”¹³⁴.

Норбой Худойберганов таҳлилларидаги кескинликни унинг бирорвга ҳасад қилиши ёки бошқа бир салбий мақсад деб эмас, унинг адабиёт учун, унинг эртанги ривожи учун, миллат учун фидокорлиги деб қараш ўринлидир.

¹³⁴ Дониёр Бегимқулов. Ҳақ сўз соҳиби. /Худойберганов Н. Бадиий таҳлил сехри/. Тошкент– 2008. 130-131-бетлар

Мунаққид ҳақиқат учун курашадиган, баҳс-мунозарага киришадиган муросасиз мунаққидлардан биридир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. А.Улугов. Муросасиз мунаққид. /Худойберганов Н. Бадий таҳлил сехри./Тошкент– 2008. 123-124-бетлар
2. Худойберганов Норбой. Дилу тил сехри.Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 2002.
3. Худойберганов Норбой. “Ишонч”.Адабий-танқидий муроҳазалар, баҳслар, кузатишлар, қайдлар. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
4. Худойберганов Н. Гражданлик моҳияти.“Шарқ юлдузи” журнали,1984 йил 4-сон.
5. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1983, 11 февраль
6. Норбой Худойберганов.“Қаҳрамоннинг маънавий олами”, “Шарқ юлдузи”,1982,№11
7. Дониёр Бегимқулов. Ҳақ сўз соҳиби. /Худойберганов Н. Бадий таҳлил сехри/.Тошкент– 2008.